

## "ТАРИХИ РАШИДИЙ"ДА АБДУРАХМОН ЖОМИЙ ТАВСИФИ ВА ИРФОН ТАЛҚИНИ

**Каромат Тошхўжаевна МУЛЛАХЎЖАЕВА**

Доцент, филология фанлари номзоди

Ўзбек адабиёти тарихи ва фолклор кафедраси

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети  
Тошкент, Ўзбекистон

## ОПИСАНИЕ ЛИЧНОСТИ АБДУРАХМАНА ДЖАМИ И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ИРФАНА (ДУХОВНОГО ПРОСВЕЩЕНИЯ) В «ИСТОРИИ РАШИДИ»

**Каромат Ташходжаевна МУЛЛАХОДЖАЕВА**

Доцент, кандидат филологических наук

Кафедра истории узбекской литературы и фольклора

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы  
им. Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

## DESCRIPTION OF THE PERSONALITY OF ABDURAHMAN JAMI AND INTERPRETATION OF IRFAN (SPIRITUAL ENLIGHTENMENT) IN "HISTORY OF RASHIDI"

**Karomat Tashkhodjayevna MULLAKHODJAEVA**

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor,

Faculty of History of Uzbek Literature and Folklore

Alisher Navoi Tashkent State Uzbek Language and Literature University

Tashkent, Uzbekistan [kmullahodjayeva@gmail.com](mailto:kmullahodjayeva@gmail.com)

---

UDC (УЎК, УДК): 82(091)

**For citation (иқтибос келтириш учун,  
для цитирования):**

Муллахўжаева К. Т. "Тарихи Рашидий"да  
Абдурахмон Жомий тавсифи ва ирфон  
талқини. // Ўзбекистонда хорижий  
тиллар. — 2021. — № 4 (39). — Б. 122-131.  
<https://doi.org/10.36078/1633775581>

**Received:** June 26, 2021

**Accepted:** August 17, 2021

**Published:** August 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and Scientific  
Research Publishing Inc.

**Аннотация.** Шарқ маданияти тадрижий такомилини ўрганишда тарихий асарларнинг ўрни жуда муҳим. Бу туркум асарларда муайян мамлакат ёки минтақада рўй берган муҳим тарихий воқеалар – ижтимоий-сиёсий ҳаёт, жангю жадаллар, хукмдорларнинг ҳаёт ўйли бевосита шу ерда яшаётган халқнинг ҳаёти, маданияти билан боғлаб тасвирланади. Бундай асарларда мамлакатнинг маънавий-маърифий ва маданий ҳаётида ўрин туттган ийрик сиймолар – шахслар ҳаёти ҳақида маълумотлар муайян қимматга эга. Мазкур мақолада ўрганилаётган "Тарихий Рашидий" асарида унинг муаллифи Муҳаммад Ҳайдар мирзо қаламга олган давр маданий-маърифий ҳаётига оид воқеалар анча батафсил ва қизиқарли ифода этилганлиги жиҳатидан ҳам эътиборни тортади. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асаридан таъсирланган, унга эргашган Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг "Тарихи Рашидий" асари XV аср охири XVI аср бошларида Хурросон ва Мовароуннахрда фаолият кўрсатган кўплаб шоир ва маданият арбобларининг ҳаёт йўлини аниqlашda муҳим

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).  
<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жумладан, асарда Абдураҳмон Жомий ҳақидаги маълумотлар анча изчил ва батафсил қаламга олинганки, ундаги маълумотлар шоир биографиясини тиклашда муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин. Мақола муаллифи ана шу давр маданий ҳаётини мутафаккир шоир Абдураҳмон Жомий ҳаётига оид муҳим воқеалар тафсилотига уйғунлаштириб тасвирланиши билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этган.

**Калит сўзлар:** тарихий асар; муаллиф позицияси; маърифий ва маданий ҳаёт тасвири; Жомийга оид маълумотлар; тарихий шахс ва бадиий талқин.

**Аннотация.** Роль исторических произведений в изучении постепенного развития восточной культуры очень важна. В произведениях данной категории изображаются важные исторические события, происходившие в той или иной стране или регионе — общественно-политическая жизнь, войны, образ жизни правителей, напрямую связанные с жизнью и культурой проживающих здесь людей. В таких произведениях определенную ценность имеет информация о жизни великих деятелей — личностей, принимавших участие в духовной, просветительской и культурной жизни страны. Произведение "История Рашиди", изучаемое в данной статье, привлекательно тем, что события, связанные с культурно-просветительской жизнью периода, написанные ее автором Мухаммадом Хайдаром мирзо, описаны более подробно и интересно. Созданная под влиянием "Бобур-наме" Захириддина Мухаммада Бабура, "История Рашиди" Мухаммада Хайдара мирзо может служить важным источником, определяющим образ жизни многих поэтов и культурных деятелей, которые работали в Хорасане и Мовароуннахре в конце XV и начале XVI века. В частности, информация об Абдурахмоне Джами написана очень последовательно и подробно, что может служить важным вкладом в восстановление биографии поэта. Автор статьи исследует вопросы, связанные с описанием культурной жизни данного периода в соответствии с подробностями важных событий в жизни поэта и мыслителя Абдуррахмана Джами.

**Ключевые слова:** историческое произведение; позиция автора; изображение культурной жизни и просвещения; сведения о Джами; историческая личность и художественная интерпретация.

**Abstract.** In the history of Eastern culture, historical works hold a special place. This series of works depicts significant historical events that occurred in a specific country or region, such as socio-political life, wars, rulers' lifestyles, and other topics that are intimately tied to the lives and cultures of the people who live there. Information on the lives of prominent figures in the country's spiritual, intellectual, and cultural life has a special worth in such works. In the article "Historical Rashidi" studied in this article, it is noteworthy that the events related to the cultural and educational life of the period, written by its author Muhammad Haydar Mirzo, are described in more detail and interestingly. Muhammad Haydar Mirza's "History of Rashidi" was influenced by Zahiriddin Muhammad Babur's "Boburnoma", it can be used to determine the lives of numerous poets and cultural figures who lived in Khorasan and Mavarounnahr in the late fifteenth and early sixteenth century. The information on Abdurrahman Jami, in particular, is written in a consistent and precise manner, which could be a valuable

contribution to the restoration of the poet's history. The author of the article has studied the topics related to the description of this period's cultural life by the details of important events in the life of the thinker and poet Abdurahman Jami.

**Keywords:** historical work; author's position; depiction of cultural life and enlightenment; information about Jami; historical personality and artistic interpretation.

**Кириш.** Минтақамизда яратилган кўплаб тарихий асарлар миллатнинг ҳаёт йўли, унинг бошидан ўтган яхши-ёмон кунлари ҳақида сўзлайди. Албатта, кўп ҳолларда бу туркум асарлар муайян ҳукмдор ёки сулолалар тарихига бағишлиланади. Ҳукмдорнинг ҳаёт йўли, олиб борган курашлари — жанг жадаллар, амалга оширган буюк ва эзгу ишлари мадҳ йўли билан ўз талқинини топади. Масалан, Амир Темур ҳаётига бағишлиланган темурномалар, зафарномалар шулар жумласидандир. Бироқ бундай китобларда улуғ саркарданинг аъмоли билан бирга у яшаган мухит, у зафарлар кучган ўлканинг тасвири, одамларининг тутуми, ижтимоий-сиёсий мухит ва адабий ҳаёт ҳақидаги маълумотлар ҳам тасвирга олинганки, улар, айниқса, замонлар ўтиб алоҳида эътиборни талаб қила бошлайди, кимматли маълумотлар манбаига айланди. Тадқиқотчилар улуг саркарда, раҳнамо ёки ҳукмдор билан бирга унинг борлигини — бирбутунлигини таъминлаб турган ҳаётга, давр кишиларига, маданият ва маърифатнинг ўрнига эътибор бера бошлайдилар. Ўтмишни тасаввур этиш учун асар бағишлиланган шахс мухим восита бўлиб қолади. Чунки у зотнинг ўз халқига — қора черикдан тортиб вазири вузаросигача муносабати асарда акс этади. Илм-маърифат аҳли, маданият аҳли тасвири, уларга муносабат ҳукмдорнинг мақомини, даврнинг муайян манзарасини тасаввур этишга кенг йўл очади.

XV–XVI асрлар арабий, форсий ва туркий тилларда тарихий асарлар битиши анъанаси Марказий Осиёда юқори даражага кўтарилиган давр бўлди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ушбу мақолада ўрганилаётган “Тарихи Рашидий” асари ҳам бир қарашда муайян шахсга бағишлилангандек тасаввур уйготса-да, аслида, муаллиф, ўша шахснинг фонида кўплаб тарихий сиймолар: сиёсат арбоблари, шайху уламолар, шоири фузалолар ва албатта ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаёти, муайян даражада халқнинг ҳаёти тасвирини ҳам талқин этади.

“Тарихи Рашидий” асари муаллифи Муҳаммад Ҳайдар мирзо (1499–1533) Захириддин Муҳаммад Бобурнинг яқин қариндоши эди. Бу қариндошлиқ ҳақида муаллифнинг ўзи шундай ёзади: “Мўғалистон хони Эсан давлат бегимнинг катта қизи Мехр Нигорхоним бўлиб, уни Султон Аҳмад мирзога беришган. Ундан кичиги Қутлуғ Нигорхонимни Умаршайх мирзога беришган, ундан Захириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ва Хонзодабегим туғилган. Юнусхоннинг қизларидан учинчиси Хўб Нигорхонимни отамга беришган. У менинг онам бўлади” (6, 183–184). Отасидан жуда эрта ажраган Муҳаммад Ҳайдар мирзо Бобур хузурига келади. Бу воқеа тафсилотларини ҳаяжон билан ёзар экан, Бобурнинг уни ўзининг яқин инсони сифатида меҳр-муҳаббат билан қабул қилганини, унга мудом оталарча ғамхўрлик қилганини эътироф этади. Бу воқеа ҳақида “Бобурнома” муаллифининг ҳам ёзганлари бор: “... Ўғул Ҳайдар мирзо эди. Отасини ўзбак ўлтургандин сўнг келиб, менинг мулозиматимда уч-тўрт йил бўлди, сўнгра ижозат тилаб, Кошгарга хон (Султон Саидхон. — К.М.) қошига борди” (2, 39).

Мұхаммад Ҳайдар мірзо Захириддин Мұхаммад Бобурни үзіга идеал деб билған, унга әргашған, үндан күп нарсаларни ўрганған, Бобурнинг “Бобурнома” асаридан таъсирләниб “Тарихи Рашидий”ни ёзған. “Тарихи Рашидий”ни Бобурнинг “Бобурнома”си билан киёслашға бу үринде зарурат йўқ. Ҳар бир ижодкор ўз истеъоди, билими ва ҳаёттй тажрибасига асосланиб ижод қилади. Бобур асари — мемуар асар. Эсдаликлар. Үнда тарихий воқеалар мұхим үрин тутса-да, асар марказыда Бобурнинг үзи туради, ҳар бир воқеага күп жиҳатдан унинг дахли борлигини, Бобур рухий оламини чукур хис қилиб ўқиймиз “Бобурнома”ни. Мұхаммад Ҳайдар мірзонинг асари үз номи билан ҳам тарихий асарларының далолатлайди. Бу ҳақда адабиётшунослар В. Раҳмон ва Я. Эгамова шундай ёзадилар: “Бобурнома” тарихий асардан кўра, эсдаликлар деб аташга муносаброқ туйилса, “Тарихи Рашидий”да, аксинча, мемуар асарга нисбатан тарихийлик устунлик қилади” (6, 27). Чиндан, бу асарда тарихий воқелик тасвири анча устун. Үнда темурий, бобурий, шайбоний, мўғул хонлари, қозоқ хонлари ва сафавийлар шажаралари муайян боғлиқлиқда, тарихий воқеалар уйғунлигига тасвирлаб берилган. Айни пайтда бу сулолар ичидан энг машхур зотларнинг ҳаётига, аъмолига махсус эътибор қаратилган. Ана шундай сиймолардан бири Мавлоно Абдураҳмон Жомий эди.

**Асосий қисм.** Тарихий асарда воқеаликни давр маърифий-маданий ҳаётидан, адабий мұхитдан ажратиб тасвирлаш мүмкін эмас. Бундай асарда замоннинг улуғ кишилари, йирик шахслар, уларнинг фаолиятия оид маълумотлар тасвирга олинаётган воқеликни жонлантиришга, китобхонни воқеалар ичига олиб киришга, айни пайтда, китобхонга билим ва маърифат беришга кўмаклашади. Жумладан, “Тарихи Рашидий”ни туркй тилга таржима қилган уйғур олими Мұхаммадниёз Абдулғафур ўғли Ниёзий бу асарнинг мазкур жиҳатлари хусусида шундай дейди: “Бу шундай китобки, унинг ҳақиқийлиги ва тарбиявийлиги факир ва бойлар учун зарур ҳамда жуда фойдалидир. Ундаги фикрлар ва панд-насиҳатлар иззат-хурматли кишилардан ибрат олишга ва огоҳ бўлишга ундейди...” (6, 5).

Бундай иззат-хурматли кишилар сирасига маънавияти бой хукмдорлардан ташқари, шайхларни, олим ва фозил кишиларни, адабиёт ва санъат аҳлини киритиш мүмкін. Асарда бундай инсонлар ҳақида сўзлаш, берилаётган маълумотларнинг тўлақонли ва қизиқарли ёки жозиб бўлиши асар муаллифининг билими, дунёқараши ва истеъодига боғлиқ. Шу жиҳатдан олиб қарагандা, “Тарихи Рашидий” муаллифи фактик материалларни китобхонга тақдим этишда маърифий-маданий ва адабий манбалардан жуда унумли ва яхши фойдаланган. Жумладан, ушбу асарнинг вужудга келишида Захириддин Мұхаммад Бобур ва унинг “Бобурнома” асарини алоҳида эътироф этиш зарур. Асарни ўқиши жараёнида Мұхаммад Ҳайдар мірзо саркарда, замон воқеаларини таҳлилий баён қила олган тарихчигина эмас, балки адабиёт ва санъатни, ислом ва тасаввуф илмини яхши билган нозикфаҳм инсон қиёфасида гавдаланади. “Ҳайдар мірзо маданий-адабий мұхит миқёсими кенгрөқ қамраб олганидек, диний-тасаввуфий арбоблар ижодига ҳам катта үрин ажратади. “Тарихи Рашидий”даги шоир, олим, рассом, хаттот ва фузалоларнинг исммасим кўрсатилгани ва ҳар бири ҳақидағи маълумотларнинг аниқлиги, мұхимлиги кишини ҳайратга солади. Бу үринде ушбу маълумотларнинг кўплиги, хилма-хиллиги, мукмаллиги жиҳатидан “Тарихи Рашидий” “Бобурнома” билан бемалол беллашади” (6, 38).

Муҳаммад Ҳайдар мирзо асар воқеаларини Туғлуқ Темурхон давридан бошлишни мақсад қилиб олганлигининг уч сабабини санаб ўттар экан, улардан бири — мӯғул хонларидан Туғлуқ Темурхоннинг биринчи бўлиб ислом йўлига кирганлиги — бундай баҳтга мушарраф бўлганлиги деб кўрсатади. Шунга боғлиқ ҳолда асарда кўплаб шайхлар, тариқат аҳли — сўфийлар, ориф зотлар, олимлар, санъат ва маданият аҳли хақида, уларнинг аъмоли хусусида сўз боради.

Мамлакатнинг қиёфасини наинки тинчлик, балки уруш пайтлари ҳам бундай сиймоларсиз, уларнинг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Булар — Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, уларнинг муриллари...

Ана шундай зотлардан бири — Мавлоно Абдураҳмон Жомийдир. Абдураҳмон Жомий (1414–1492) ушбу асар муаллифининг яқин ўтмишдаги замондоши. Муҳаммад Ҳайдар мирзо Жомийнинг мақомини унинг асарлари ва мурилларининг фаолияти орқали идрок этган инсон эди. У яшаган замон учун Жомийдек шахс юксак бир идеал бўлган. Асарда унинг ўзи ҳам, таъриф-тавсиф этилган кишилар ҳам Абдураҳмон Жомий номини тез-тез тилга оладилар, ўгитларини тақдим киласидилар. Бу даврда яратилган деярли барча тазкира ва тарихий асарларда Жомий улуг бир сиймо бўлиб гавдаланарди. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”да Жомий хақида гапириб, “.. дунёвий ва диний илмларда у замонда унинг даражасидаги киши йўқ эди. Шеърияти ҳам маълумдир. Муллонинг камолот даражаси шундай олийдирки, уни таърифлашга эҳтиёж йўқ” (6, 137), — деб ёзганди.

“Тарихий Рашидий”да Жомий шахсига, унинг асарларига, ўгитларига кўп бор мурожаат қилинган. Муаллиф Жомийга бевосита ёхуд билвосита эътиборни қаратади.

Султон Саидхон ҳукмдорлигининг дастлабки йиллари унинг ҳаётида рўй берган қийинчиликлар ва баҳтсизликлар борасида гапириб муаллиф Абдураҳмон Жомийнинг “Силсилат уз-заҳаб” асаридан “Ҳазрат вожиб ул-вужуд даргоҳининг яқин дўсти Мусо алайҳиссалом хақидаги ҳикоя”ни келтирди. Абдураҳмон Жомийни “жаҳон элининг фахри, мусулмон динининг нури шайх ул-ислом” деб таърифлайди. “Ҳазрати Ҳокими Мутлақ ва Малик ул-мулк (Аллоҳ) ўз факир бандаларидан бирортасига улуғлик тожини кийгизишни маъкул топса ва бандаларининг тенглари ичидан энг муносибини ўз инояти тўуни бирла сарафroz қилишни истаса, аввал уни роса синовларга солади, бошига мислсиз азоб-уқубатларни ёғдиради. Яратганинг ажиб донолиги мана шунда қўринадики, у ўша бандасини шу тахлит фақиру мискинлар аҳволи билан таниширади, бандаси ожизлар ҳолига раҳм-шафқат кўзи билан қарасин деб, салтанати ва динни ақл-фаросати ва зуқколиги билан тартибда тутсин деб, бўлажак ишлардан уни воказиф этади” (6, 255). “Силсилат уз-заҳаб”дан келтирилган ушбу ҳикоя, аввало, Султон Саидхоннинг қийинчиликларни енгигб ўтишини изоҳлашга муҳим восита бўлган...

Одатда, тарихий асарларда муайян ҳукмдор ҳақида сўз кетганда, унинг мамлакатидаги эътиборли шахслар тилга олинади. “Тарихи Рашидий”да муаллиф жумладан, “... қиличининг зарби ва узоқ йиллар қатъиятли кураши билан ўттиз етти йил Ҳирот тахтида бутун Ҳурсонса мустақил подшоҳлик қилган” (6, 274) Султон Ҳусайн мирзо ҳақида фахр билан гапирав экан, унинг замонасида фаолият олиб борган олиму фузалоларини, шоир ва муаммогўйларни, хаттотлар, рассомлар, музахҳиблар ҳамда адабиёт ва санъат аҳлини таъриф-

тавсиф этади. Асарнинг айни шу ўрни “Бобурнома”ни ёдга солади. Бу таъриф-тавсифларда муаллиф Абдураҳмон Жомийга алоҳида ўрин ажратган, унга оид маълумотларни кўпроқ беришга уринган. У: “Ана шу мутлақ улуғ Аллоҳ таолонинг назари тушган буюк зотларнинг ахволини баён қилиш туфайли бу хокисорнинг ихлоси устига уларнинг шарофатидан бир нур тушиб, амал, мансаб арбобларининг тарихини ёзиш учун зоеъ қилган вақтимнининг ўрнини босолса ажаб эмас” (6, 274), — деб ёзди.

Абдураҳмон Жомийни муаллиф: “Султон Ҳусайн мирзо замонида яшаган авлиёи бузургвор, муршиди олий зотлар орасида ҳаммадан улуғи, ислом дунёсининг нури шайх ул-ислом” (6, 274) деб таърифлайди. Эътиборни тортадиган жиҳат, муаллиф Мавлоно Жомийнинг тариқат йўлидаги раҳнамо муршиidlари — Саъдиддин Кошғарий, Мавлоно Низомиддин Хомуш, Ҳожа Алоуддин Аттор, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида ҳам маълумот беради ва китобхон матн зимнида бу таъриф-тавсифлар ҳазрат Жомий шахси билан уйғуналашиб кетганини ҳис қилиши мумкин.

Шунингдек, Ҳайдар мирзо Мавлоно Жомий ҳаётидаги қизик ва ибратли воқеаларни ҳикоя қиласи, асарларининг муайян қисмини санаб ўтади. Баъзан унинг ўз асари — “Нафоҳот ул-унс”га, бу асарга Мавлоно Абдулғафур Лорий томонидан битилган шарҳга мурожаат қиласи. (6, 276; 6, 279). Абдураҳмон Жомийнинг ҳаётига оид, хусусан, тариқат билан боғлиқ масалалардаги айрим фактлар ушбу асарда ҳам қайд этилган. Жумладан, “Мавлоно Абдураҳмон Жомий Мавлоно Саъдиддиндан (Саъдуддин Кошғарий назарда тутилмоқда. — К. М.) кейин Ҳожа Убайдуллоҳ ҳазратларига қўл берган экан, бу унинг кўплаб асарларида айтилган” (6, 278). Муаллиф Жомийнинг “Нафоҳот ул-унс”да Ҳожа Убайдуллоҳ ҳақида айтган фикрларини ҳам келтириб ўтадики, булар Мухаммад Ҳайдар мирзонинг Жомий ижодини яхшигина ўрганганидан далолат беради. Умуман олганда, мана шу давр кишиларининг мутафаккир ва шоир Жомий асарларидан боҳбар эканликларини кўрсатади.

Яна, Жомий ҳақида замонасининг бошқа улуғ кишилари, жумладан, Ҳожа Хованд Маҳмуд номи билан танилган Ҳазрати Маҳдуми Нуро — Ҳожа Шаҳобиддин Маҳмуддан (асарда қисқа қилиб Маҳдуми Нуро деб аталган) эшитганларини ҳам баён қиласи. Масалан, Ҳожа Нуродан муаллиф Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳазрати Ҳожа Убайдуллоҳ ҳузурларига қўл бериш учун келганда унга қуйидаги матлаъ билан бошланадиган ғазални ўқиб берганини айтади:

*Кексайган юзларимни итинг изига сурай,  
Оппоқ сочларим билан бўсагангни супурай (6, 279).*

Ҳожа Эшон Убайдуллоҳ ҳам Ҳазрат Мавлоно Абдураҳмон Жомийни қадрлар эди, — деб ёзди Мухаммад Ҳайдар мирзо. “Ҳазрат Мавлоно ёшлиқ пайтида илм эгаллашга роса ружувъ қўйган ва шу даражага эришган эдики, Шоҳруҳ мирзо замонасида Мовароуннаҳр ва Хурсонда бешта энг улуғ уламо бор эди, уларни “Ҳамсаи мустажир” (беш бузруквор) деб аташарди. Булардан биринчиси — Абдураҳмон Жомий; иккинчиси — Мавлоно Довуд Ҳисорий; учинчиси — Мавлоно Шайх Ҳусайн Муҳтасиб; тўртинчиси — Мавлоно Шамсиддин Баҳрободий; бешинчиси — Мавлоно Бурхониддин эди” (6, 279).

Абдураҳмон Жомийнинг Мавлоно Саъдуддин Кошғарий билан мулоқотлари, у зотга мурид тушиб, хизматига кириши, пирининг рухсати билан муқаддас сафарга — Ҳаж зиёратига бориши ҳақидаги маълумотларни ҳам ўқиймиз асарда. Жомий шеърларига, ижодига

мурожаат Мирзо Ҳайдарнинг ўзида ҳам ижодкорлик қобилияти борлигини кўрсатади.

Асарда Абдураҳмон Жомийнинг икки марта Ҳазрат эшон Хожа Аҳрорни зиёрат қилиш учун Моварауннаҳрга келганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам зикр этилган. Абдураҳмон Жомий, у зотнинг ҳаёт йўли, пирлари, ўзининг тариқатдаги мақоми, шогирдлари, шу жумладан, мавлоно Лорий билан мулоқотлари, асарлари ва жамиятдаги тафаккури баланд инсонларнинг у зотга муносабати ва бошқа кўплаб масалалар “Тарихи Рашидий”да бошқа асарларга нисбатан кенгроқ ва батафсилоқ берилган. Жомий ҳақидаги мана бу фикрлар эътиборни тортади: “Мавлоно ўз сулукларини ниҳоятда маҳфий тутар эдики, шу жихатдан мурид олмоқни истамаган. Умрининг охирида у: “Улуғларнинг нисбатлари бизга омонат эди, пинҳон сақламоқ учун бу ишни қилмадим. Аммо охири маълум бўлдики, яхши иш қилмаган эканман. Сўфийлар силсиласини узвий давом эттиришим керак экан”, деган” (6, 281). Муаллиф айтган ушбу фикр Жомийнинг бугунги кунда тариқатдаги пирлик мақоми ва даражаси билан боғлиқ қарашларга ойдинлик киритишга ёрдам бериши мумкин. Кўпчиликка маълум, шу кунгача Жомийнинг Навоий билан муносабатлари ҳақида сўз кетганда, айrim олимлар Навоий Жомийга мурид тушган, ундан қўл олган, деган фикрни айтса (Е. Бертельс ва унинг фикрини тўғри деб билганлар), иккинчи гурух бу фикрнинг асосга эга эмаслигини, улар орасидаги пир-муридлик муносабатлари муайян тариқатнинг расм-руsumлари доирасида амалга ошмаганлигини таъкидлайдилар. Жомийнинг ўз икрорига суюнсак, иккинчи гурух олимлар фикри ҳақиқатга айланади. Бироқ ушбу фикрларни аниқлигини асослаш учун ҳали жиддий тадқиқотларни давом эттириш зарур.

Асарда Ҳусайн Бойқаро мирзо замонида яшаб, ижод қилган шоирлар зикрини ҳам ҳазрат Жомийдан бошлайди муаллиф. Муҳаммад Ҳайдар мирзо олимлар ва авлиёлар сафида тилга олиб ўтган ҳазрат Жомийнинг муборак номи билан олимлар ва шоирлар фаслини бошлишни истаганини ва бу жуда ўринли бўлишини таъкидлайди. “Ҳақиқат шуки, қаерда олимлар ва етук инсонлар ҳақида гап кетса, унинг номини қайта-қайта тилга олиш, сўзни у билан бошлаб, у билан тугатиш ҳамиша кўнгилларга хуш ёқади” (6, 289), деб ёзади Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Шунингдек, Жомийнинг шеърияти, уларга хос бадиият масалалари ҳақидаги айrim фикрлари китобхоннинг Жомийни яқинроқдан танишига имкон беради.

Абдураҳмон Жомий ижодига бунча эътибор, аввало, Жомийнинг ўз даврида Хурсонда ва Моварауннаҳрда (ҳам) тутган мавқеи — фаолияти ва ижодий мероси билан боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан муаллифнинг Жомий ижодига муҳаббати билан изоҳланади. Булардан ташқари, Мирзо Ҳайдарга жуда яқин яна икки зотнинг асарларида, хотираларида Абдураҳмон Жомийнинг номи, аъмоли қаламга олинган, ҳаёт йўли ибрат қилиб кўрсатилган. Бу икки инсон — муаллифнинг кекса замондошлари Мавлоно Муҳаммад Қози ва шайх Хожа Нуру. Уларнинг фаолияти Султон Саидхон фаолияти, умуман, тақдиридаги ўрни билан боғлиқ ҳолда бериларкан, муаллиф ўзига боғлиқ ҳолда кечган айrim воқеаларда ҳам уларнинг ўрнини кўрсатиб беради. Англашиладики, Муҳаммад Қози ҳам, шайх Хожа Нуру ҳам маърифатга интилган, ўзгаларга маърифат етказишни истайдиган зотлардан эди. Айниқса, Хожа Нуронинг саховати, футуввати муаллифни кўп бор ҳайратга солган. Шайх Хожа Нуронинг фаолиятида, ҳаракатларида муаллиф Абдураҳмон Жомий фикрлари

билинг уйғунлик топади. Унинг Жомийга, унинг асарларига муносабатини кўрсатади.

Асарга ушбу икки зотнинг рисолалари ҳамда Хожа Нуру туфайли Абдураҳмон Жомийнинг бир рисоласи ҳам киритилган. Бу рисолалар улар илмининг салмогини ҳам кўрсата олади.

Мавлоно Мұхаммад Қози рисоласида ҳукмдорга ўғитлар берилади. Муаллиф унинг мазкур ўғитларини китобхонга тақдим этишдан олдин Мұхаммад Қозининг ҳәёти, устозлари ҳақида сўзлайди, унинг Хуросонга кетиб, таҳсил олганини эслайди. Жумладан, “Тарихий Рашидий”даги: “Сўфийлар орасида шундай гап юради: “Хуросон ҳавоси пирдан олинадиган тарбиянинг ярмини беради. Қолган ярмини Мавлоно Абдураҳмон Жомий беради. Шундай қилиб, Хуросонда суфийлик мақомига тўла эришмоқ мумкин... Мавлоно Мұхаммад Хуросонда олти ой бўлди ва доимо Мавлоно Абдураҳмон Жомий билан сұхбат қилур эди...” (6,) деган фикрлар Абдураҳмон Жомий хузурига талпинаётган инсонлар, шу жумладан, Мавлоно Мұхаммад Қози ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланишига кўмак беради.

Абдураҳмон Жомийга тегишли маълумотлар Ҳазрат Хожа Нуру билан боғлиқ саҳифаларда ҳам ўз ифодасини топган.

“Тарихи Рашидий”да Хожа Нуру ҳақидаги воқеалар баёни, асосан, Хоннинг (Султон Саидхоннинг) у зотга кўл бериши, яъни мурид тушиши воқеалари муносабати билан бошланади. Унинг исми Шахобиддин Маҳмуд, эҳтиром юзасидан Хожа Хованд Маҳмуд номи билан танилган. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор унга баҳт-иқбол тилаб шу исмни қўйган. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор оталарининг исми Маҳмуд, боболарининг исми Шахобиддин эди.

Шахобиддин Маҳмуд — Ҳазрат Хожа Нуру ўз даврининг улуғларидан, такводор ва илмли инсон эди. У Эшон Убайдуллоҳ Аҳрорнинг набираси, Хожа Мұхаммад Абдуллоҳнинг ўғли эди. Фарғона вилоятида вафот этган. Тошкентга олиб келиб дағн этилган. У тиббий илмларни ўзлаштирган, тиббий амалиётни Шероздаги дор уш-шифода ўтаган. Румда таҳсил олади, Мисрға боради, хаж зиёратини амалга оширади. Ҳиндистон, Гужарат, Кобул, Самарқанд, Кошғар ва бошқа ерларда ҳам бўлган. Ҳазрат Хожа Нуронинг ўзи Мирзо Ҳайдарга: “Мен Хуросонга бордим. Ҳазрат шайх ул-ислом, башариятнинг фаҳр-ифтихори Мавлоно Абдураҳмон Жомий мени ўз ҳовлисига туширди. Хизматида бўлиб, қатор рисолаларини ўқиб чиқдим”, деб айтган экан (6, 551). Факир банда бу сўзлардан англадимки, Маҳдуми Нуру Абдураҳмон Жомийдан ҳам таълим олган экан (6, 551).

Абдураҳмон Жомий хузурида кечган воқеалар тафсилотини “Тарихи Рашидий” асари муаллифига сўзлаб берган Хожа Нуру Абдураҳмон Жомий вафотидан кейин унинг ёстиғи остидан қоралама рисолаларини топган экан. Улардан бирини оққа кўчириб, 1531 или Мирзо Ҳайдар Янги Ҳисорга борганида унга беради. У эса ушбу рисолани ўз асарига — “Тарихи Рашидий”га киритади. Асарга “Абдураҳмон Жомий рисоласи” номи билан киритилган бу матнда Абдураҳмон Жомий “Ло илаҳа иллаллоҳ, Мухаммадун Расулуллоҳ” калимаси, яъни шаҳодат калимасини ирфоний-бадиий йўлда шарҳлаб берган. Насрий ва шеърий йўлда битилган ушбу шаҳодат калимаси билан номланган рисолани Абдураҳмон Жомий ўлими арафасида битгани эҳтимолдан узоқ эмас. “Бу улуг калима йигирма тўрт харфдур. Ундаги харфлар сони бир кеча-кундуз соатларининг сонига мос

келади. Бу калимадаги ҳар бир ҳарфнинг хосияти ва баракоти беҳисобдир..." (6, 553). Шу биргина рисоланинг ўзи ҳам Жомий маърифати хақида муайян тасаввур беради. Бироқ Мирзо Ҳайдар ўз асарида ушбу рисоладан кейин яна бир рисола — Хожа Нуронинг рисоласини келтирадики, гўё у Жомий рисоласини мазмун ва мантиқан давом эттиради.

Хожа Нуро рисоласида Пайғамбар с.а.в., мўминлар амири имом Ҳусайн, Баҳоуддин Нақшбанд, Фаридуддин Аттор, Мавлоно Жалолиддин Румий каби зотлар қаторида Жомийнинг фикрларини ҳамда шеърий мисраларини келтиради. Кўринадики, Хожа Нуро Жомий шахсига, фаолиятига алоҳида эътибор берган, меросини яхши ўрганган.

Муаллиф "Хожа Нуронинг кароматлари" бобида у зотнинг "саодатманд мактуби"ни келтиради. Бу мактубда Хожа Нуро дарвешлик хақида гапиради ва ўз фикрларини асослаш учун Абдураҳмон Жомий фикрларига мурожаат қилади ва ушбу фикрлари Жомий вафотидан сўнг унинг ёстиғи остидан топиб олган қоралама эканлигини эътироф этади. Унда инсоннинг Аллоҳга мурожаати моҳиятан тўрт асосга эга эканлиги хусусидаги Жомий фикрлари баён қилинган. Инсон, имон ва исломнинг мазмун-моҳиятини ўзида мужассамлаштирган бу манбада айтилган фикрларни Хожа Нуро давом эттиришга, такомиллаштиришга ҳаракат қилган. Кўринадики, Хожа Нуро Абдураҳмон Жомийнинг орифлик сифатларига жуда кўп эътибор берган.

**Хулоса.** "Тарихи Рашидий" XV–XVI асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт хақида маълумот берувчи муҳим манбалардан. Унинг бу даврда битилган бошқа тарихий асарлардан фарқи, муаллиф воқеалар баёни давомида бир қанча сулолалар — темурий, бобурӣ, шайбоний, мӯғул хонлари, қозоқ хонлари ва сафавийлар шажараларини муайян боғлиқликда, тарихий воқеалар уйғунлигига тасвирлашга муваффақ бўлади. Албатта, бу сулоларга мансуб машҳур кишиларнинг ҳаёт йўли ва фаолиятини тасвирлайди. Бу ўз-ўзидан давр маданий ҳаёти ва маърифий масалаларни таҳлил қилишга имкон беради. Шоир бу масалаларга тарихий асар контекстида ёндашади — замоннинг етук сиймолари таъриф-тавсифи, уларга алоқадор воқеалар тасвирига махсус ўрин ажратади. Моварауннаҳр ва Хуросон ҳаёти, маданий муҳити тасвирга олинганда кўп масалалар Абдураҳмон Жомий шахси ва фаолияти атрофида жамлангандек тасаввур уйғотади. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий, Шаҳобиддин Маҳмуд — Ҳазрат Хожа Нуро, Мавлоно Муҳаммад Қози каби зотларнинг фаолияти, муҳим ишлари ва мавқеи қайсиdir жиҳатлари билан Абдураҳмон Жомийга туташ ҳолда тасвирланади, талқин этилади. Бундай ёндашув асарнинг қизиқарли ва ўқишли бўлишини ҳам таъминлаган. Айни пайтда, муаллиф қаламга олган замон ва маконнинг мъяваний ҳаёти хақида муайян тасаввур ҳосил қилади. Абдураҳмон Жомий шахсига алоқадор тафсилотларнинг асардаги кўп ўринлардан жой олиши, биринчидан, ушбу зотнинг Моварауннаҳр ва Хуросон маданий-маърифий ҳаётида тутган ўрнини кўрсатса, иккинчидан, асар муаллифи — Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг билими, диди ва савиясини ҳам кўрсатади.

Ушбу масалани ўрганиш бундан йирикроқ ва жиддийроқ тадқиқотларни талаб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдураҳмон Ҷомӣ. Осор. Ҷилди сеюм. — Душанбе: нашриёти “Адаб”. — 288 с.
2. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. — Тошкент: “Шарқ” НМАК бош таҳририяти, 2002. — 335 б.
3. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. — Тошкент: “O‘qituvchi” НМИУ, 2008. — 335 б.
4. Мавлоно Муҳаммад Қози. Ҳукмдорга ўгитлар. — Тошкент: “Шарқ” НМАК бош таҳририяти, 199. — 32 б.
5. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. — Тошкент: “O‘ZBEKISTON”, 2011. — 704 б.
6. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. — Тошкент: “Шарқ” НМАК бош таҳририяти, 2002. — 719 б.

**Referens**

1. Abdurahmon Jomi. *Osor. Jildi seyum*, Dushanbe: Adib, 288 p.
2. Zahiriddin Muhammad Bobur. *Boburnoma*, Tashkent: Sharq NMAK bosh tahririjati, 2002, 335 p.
3. Zahiriddin Muhammad Bobur. *Boburnoma*, Tashkent: O‘qituvchi NMIU, 2008, 335 p.
4. Mavlono Muhammad Qozi. *Hukmdorga ugitlar* (Turn to the ruler), Tashkent: Sharq NMAK bosh tahririjati, 199, 32 p.
5. Mirzo Muhammad Haydar Ayozy. *Tarihi Rashidij* (History of Rashidi), Tashkent: O‘zbekiston, 2011, 704 p.
6. Muhammad Haydar mirzo. *Tarihi Rashidy* (History of Rashidi), Tashkent: Sharq NMAK bosh tahririjati, 2002, 719 p.